

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2015-yildan chiqa boshlagan

2015-yil 2-son (mart-aprel)

**Muassis:**

«Xalq ta'limi» DUK

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi  
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

**Bosh muharrir:**

Sarvar MAHMUDOV

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Aliyor ORIPOV

**Mas'ul kotib:**

Nurbek TASHXANOV

**Badiiy muharrir:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Sahifalovchi:**

Muqaddas XAFIZOVA

**Tahrir hay'ati:**

Ulug'bek INOYATOV

Risboy JO'RAYEV

Hikmatilla RASHIDOV

G'ayrat SHOUMAROV

Yo'ldosh ASADOV

Fayzulla AHMEDOV

Shavkat SHARIPOV

Maqsudjon YULDASHEV

Islom ZOKIROV

Alisher ZOKIROV

Hikmatilla DAMINOV

© "Xalq ta'limi axborotnomasi", 2015.

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq\_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

Jurnalda e'lon qilingan materiallarning mazmuniga tahririyat javobgar emas.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.

Bosishga ruxsat etildi: 03.06.2015-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32. Ofset bosma usuli.

Shartli b.t. 7,0. Adadi 26057 nusxa. 039-buyurtma.

-  Sport inshootlari (suv havzasi, sport zal) ichida shug'ullanuvchilar va tomoshabinlarning o'zini tutish qoidalarini tasdiqlash haqidagi **2014-yil 6-mart 56-sonli** buyruq ..... 5
-  Xalq ta'limi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha targ'ibot va tashviqot ishlarini yanada jadallashtirish to'g'risidagi **2014-yil 1-may 121-sonli** buyruq ..... 11
-  O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014-yil 30-apreldagi PQ-2170-sonli qarori ijrosi to'g'risidagi **2014-yil 3-may 122-sonli** buyruq .... 19
-  Xalq ta'limi vazirligining 2013-yil 8-noyabrdagi 360-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "Umumta'lim muassasalari o'quvchilarining umumta'lim fanlari bo'yicha bilimlar bellashuvini tashkil etish to'g'risida"gi Nizomga o'zgartirish kiritish to'g'risidagi **2014-yil 15-may 133-sonli** buyruq ..... 21
-  "Yagonasan muqaddas Vatan!" Respublika ko'rik-tanlovi hududiy saralash bosqichlarini o'tkazish to'g'risidagi **2015-yil 28-yanvar 23-sonli** buyruq ..... 23
-  O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta ta'lim muassasalarida 2014-2015-o'quv yilini yakunlash, o'quvchilar bilimli, malaka va ko'nikmalarini yakuniy davlat attestatsiyasidan o'tkazish va sinfdan sinfga ko'chirish bo'yicha bosqichli nazorat imtihonlarini tashkil etish to'g'risidagi **2015-yil 16-fevral 38-sonli** buyruq ..... 25
-  "Keksalarni e'zozlash yili" Davlat dasturida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi **2015-yil 19-fevral 43-sonli** buyruq ..... 36
-  Xalq ta'limi vazirligi tizimidagi tashkilot va muassasalarining foydalanilmasdan, bo'sh turgan obyektlaridan samarali foydalanishni tashkil etish to'g'risidagi **2015-yil 23-fevral 45-sonli** buyruq ..... 55
-  Ta'lim muassasalariga metodik xizmat ko'rsatish samaradorligini oshirish to'g'risidagi **2015-yil 24-fevral 47-sonli** buyruq ..... 62
-  O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 20-fevraldagi 15-sonli yig'ilish bayoni ijrosi to'g'risidagi **2015-yil 4-mart 55-sonli** buyruq ..... 72
-  Maktabgacha ta'lim muassasalari xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish Respublika o'quv-metodika markazi tomonidan 2015-yil 20-fevralda tasdiqlanib, tavsiya etilayotgan 2-3 va 3-7 yoshli maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari uchun 10 kunlik namunaviy taomnoma ..... 89

## KIRISH

Tartib-intizom bor joyda rivojlanish va taraqqiyot bo'lishi barchaga ayon. Bugun yurtimizda ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar va qo'lga kiritilayotgan yutuqlar bevosita sohaga doir qabul qilingan buyruqlarga qay darajada amal qilinayotganiga bog'liq.

Xalq ta'limi tizimida qabul qilinayotgan buyruqlarni o'qituvchi-pedagoglarga yetkazib berishda Xalq ta'limi axborotnomasi muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois, jurnal sahifalarida O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining buyruqlari muntazam berib borilmoqda.

Ushbu sonda O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining 2015-yil 24-fevraldagi "Ta'lim muassasalariga metodik xizmat ko'rsatish samaradorligini oshirish to'g'risida"gi 47-sonli buyrug'i tizimdagi metodistlar faoliyatini o'rganish, ularning sifat tarkibini yaxshilash va salohiyatini oshirishda muhim dasturilamaldir.

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining 2015-yil 16-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta ta'lim muassasalarida 2014-2015-o'quv yilini yakunlash, o'quvchilar bilimi, malaka va ko'nikmalarini yakuniy davlat attestatsiyasidan o'tkazish va sinfdan sinfga ko'chirish bo'yicha bosqichli nazorat imtihonlarini tashkil etish to'g'risida"gi buyrug'i esa, umumiy o'rta ta'lim maktablarida 2014-2015-o'quv yilini yakunlash, o'quvchilarning bilimi, malaka va ko'nikmalarini yakuniy davlat attestatsiyasidan o'tkazish va sinfdan sinfga ko'chirish bo'yicha bosqichli nazorat imtihonlarini tashkil etishni tartibga soladi.

"Keksalarni e'zozlash yili" Davlat dasturida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi buyruq esa, keksa avlod vakillariga ta'lim muassasalari tomonidan g'amxo'rlik ko'rsatishning tartib-qoidalarini belgilaydi.

"O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 20-fevraldagi 15-sonli yig'ilish bayoni ijrosi to'g'risida"gi buyrug'i maktabgacha ta'lim tizimini yanada rivojlantirish, muassasalarning moddiy-texnika bazasini bosqichma-bosqich mustahkamlash, maktabgacha ta'lim sifatini oshirishga xizmat qiladi.

Har qanday millatning asosiy boyligi bolalar salomatligidir. Maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim-tarbiya olish jarayonida ularni to'g'ri ovqatlantirish nihoyatda muhimdir. Bolalar ovqatlanishini to'g'ri tashkil etish, o'sib kelayotgan avlod salomatligini saqlashda, ularni aqliy va jismoniy rivojlanishida moddalar almashuvi jarayonlarining bir tekis ta'minlab turishida muhim ahamiyatga ega.

Shu bois, 2-3 va 3-7 yoshli maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari uchun Namunaviy taomnoma ishlab chiqildi. Unda bolalarning to'g'ri ovqatlanishi uchun barcha zarur yo'l-yo'riq va tavsiyalar berilgan.

Oziq-ovqat mahsulotlari tarkibida organizmga zarur oziq moddalar, uglevod, oqsil, yog'lar, vitaminlar va mineral moddalarga boy ovqatlanish tashkil etilganda bolaning turli xil kasalliklarga moyilligi pasayadi, ya'ni immuniteti oshadi.

Bolalar ovqatlanishini tashkil etish sanitariya qoida va me'yorlari asosida yaratilgan. Bolalar uchun belgilangan oziq-ovqat mahsulotlari hamda taomlarning retseptlariga asoslangan holda 10 kunlik taxminiy taomnoma (bir bolaga mo'ljallangan) tuzishdan boshlanadi, ushbu taomnoma asosida kunlik taomnoma shakllantiriladi.

Ovqatlantirishni tashkil etishga qo'yiladigan bir qator shartlar, jumladan, bolalar ovqati ratsionini gigiyena qoidalariga amal qilgan holda shakllantirish, bolalar ovqatini tayyorlashda foydalaniladigan oziq-ovqat mahsulotlarini to'g'ri tanlay bilish, ovqatlantirishni sanitariya-epidemiologiya xavfsizligi talablariga muvofiq bo'lishi kabi bir qator shartlarni inobatga olgan holda tashkil qilinadi.

2-3 va 3-7 yoshli maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari uchun ishlab chiqilgan Namunaviy taomnoma umumiy o'rta ta'lim maktablar va maktabgacha ta'lim muassasalarida xizmat qilayotgan xodimlarning zarur qo'llanmasi sifatida har birining ish stoli ustida turishi lozim.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2014 йил 6 март

56-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**СПОРТ ИНШООТЛАРИ (СУВ ҲАВЗАСИ, СПОРТ ЗАЛ) ИЧИДА  
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ВА ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ЎЗИНИ ТУТИШ  
ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**У. Иноятов**

2014 йил 4 апрелда  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида 2571-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

*Халқ таълими вазирининг  
2014 йил 6 мартдаги 56-сонли буйруғига илова*

**Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида  
шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш  
қоидалари**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий талаблар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**спорт иншооти** – спорт турлари бўйича оммавий-спорт тадбирларини, ўқув-тренировка машғулотларини ва ўқув-тренировка йиғинларини ўтказиш учун мўлжалланган, унга нисбатан қўйилган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очиқ турдаги ихтисослаштирилган спорт иншооти;

**спорт мусобақаси** – мусобақанинг энг яхши қатнашчисини аниқлаш мақсадида унинг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент)га мувофиқ ўтказиладиган спортнинг ҳар хил турлари (спорт предметлари) бўйича спортчи ёки спортчиларнинг жамоалари ўртасидаги мусобақа;

**томошабинлар** – спорт мусобақаларини кўриш учун келган шахслар;

**шуғулланувчилар** – муайян спорт тури билан мунтазам шуғулланадиган, ўз спорт маҳоратини доимий равишда ошириб берадиган ҳамда танланган спорт тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ва ўқув-тренировка йиғинларида қатнашадиган шахслар.

## 2-боб. Спорт иншоотларига киришда шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиши

1. Шуғулланувчи спорт иншоотига киришда:  
спорт иншооти маъмурияти томонидан берилган рухсатнома (абонимент)ни тақдим этиши;

оммавий-спорт тадбирлари, ўқув-тренировка машғулотлари ва ўқув-тренировка йиғинларига ўз вақтида келиши керак.

2. Томошабин спорт иншоотига киришда: спорт мусобақаси бошлангунга қадар келиши;

чипта, таклифнома ёки тадбирга кириш ҳуқуқини берадиган бошқа рухсатномага асосан спорт иншоотига кириши ва жойлашиши;

спорт мусобақасига жониворларни олиб келмаслиги.

3. Шуғулланувчи спорт иншооти ичида:

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этиши;

спорт иншооти маъмурияти ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши;

спорт иншоотининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши зарур.

4. Томошабин спорт иншооти ичида:

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этиши;

спорт иншооти маъмурияти, шуғулланувчи ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши;

спорт иншоотининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши зарур.

5. Спорт иншооти ичида томошабинга қуйидагилар тақиқланади: алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ёки бошқа маст қилувчи воситаларни спорт иншооти ҳудудида истеъмол қилиш;

ўзи билан ўқотар қурол, тез ўт оладиган, портловчи, заҳарли, пиротехник, ўткир хидли моддаларни, санчадиган ёки кесадагидан предметлар, чемоданлар, портфеллар, катта ўлчамдаги ўрамлар ва сумкалар, шиша идишлар, шунингдек бошқа томошабинларга ва тадбир ўтказишга ҳалал берувчи бошқа буюмлар олиб келиш;

юз ёки тананинг бошқа қисмларини бўяш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғашга қаратилган, тадбир иштирокчилари ва бошқа томошабинларни ҳақорат қиладиган белги ёки тимсол ва ёзувларни олиб юриш ёки очиқ намоийш этиш;

спорт мусобақаси иштирокчиларининг кадр-қимматини камситувчи ҳайқириқлар ёки ҳаракатлар қилиш;

турли буюмларни спорт мусобақа иштирокчиларига қараб улоқтириш;

спорт мусобақаси майдонига чиқиш, жамоалар, ҳакамлар жойлашган жойга, допинг назорати хонасига, расмий шахслар учун мўлжалланган хона ёки спорт иншоотининг бошқа махсус хоналарига кириш.

### **3-боб. Спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг ўзини тутиши**

6. Спорт иншоотларида спорт мусобақасини ўтказиш вақтида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига (рўйхат рақами 354, 1997 йил 8 июль) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7. Спорт мусобақаси ташкилотчилари спорт иншоотларида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидаларига (рўйхат рақами 2533, 2013 йил 3 декабрь) мувофиқ амалга оширилиши керак.

8. Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг ўзини тутиши Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларига (рўйхат рақами 2430, 2013 йил 22 февраль) мувофиқ амалга оширилади.

9. Спорт иншоотида спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабин:

пластик сурнайлар, дастаси пластикдан бўлган байроқчалар, дастаси йўқ байроқлар, фотоаппаратлар, уяли алоқа воситаларини спорт иншоотига олиб кириш;

ичи кавак (телескопик) дастали байроқларни ва барабанларни олиб келиш (бунда байроқнинг максимал ҳажми - 1 x 2 м, дастасининг максимал узунлиги - 1,2 м бўлиши керак);

фото ва видеосъёмкани амалга ошириш;

спорт мусобақаси вақтида унинг иштирокчиларини фаол ва уюшган ҳолда қўллаб-қувватлаш;

қўллаб-қувватловчи шиор ва қаҳириқлардан фойдаланиш;

спорт мусобақаси ва унинг натижаси билан боғлиқ ахборот олиш;

спорт иншооти маъмурияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари билан келишган ҳолда бўш секторлар ва

югуриш йўлакчаларига, тўсиқларга баннер-транспарантларни осиб қўйиш ҳуқуқига эга.

10. Спорт иншоотида спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабин:

спорт иншооти маъмурияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига чипталар, таклифномалар ёки тадбирга кириш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни кўрсатиши ҳамда уларнинг хавфсизлик ва тартибни сақлаш бўйича қонуний талабларини бажариши;

жамоат тартиби ва ахлоқ нормаларига риоя этиши;

спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши;

шубҳали предметлар ва буюмларни кўрганда, шунингдек тутун ёки ёнғин содир бўлганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига хабар бериши;

фавқулудда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатмасига асосан ҳаракат қилиши;

давлат рамзлари ва жамоаларнинг рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

#### **4-боб. Спорт иншоотларида спорт мусобақаларининг ёпилишида томошабинларнинг ўзини тутиши**

11. Спорт иншоотларида спорт мусобақаси якунига етганидан сўнг томошабинлар спорт иншооти маъмурияти томонидан тасдиқланган схемага асосан чиқиб кетишлари зарур.

12. Спорт иншоотларида спорт мусобақаларининг ёпилишида томошабин:

спорт мусобақаси ташкилотчилари томонидан бериладиган махсус рухсатномасиз ёки спорт иншооти вакилисиз, спорт мусобақаси майдонига чиқиши, шунингдек шуғулланувчиларнинг кийиниш хоналарига, ҳакамларнинг ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш хоналарига кириши;

спорт иншооти ва бошқа шахсларнинг мулкига зарар етказиши тақиқланади.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

13. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этмаган ёки унга бўйсунушдан бош тортган шахслар спорт иншоотига қўйилмайди

ёки чиптанинг ҳақи тўлаб берилмасдан спорт мусобақасидан четлаштирилади.

14. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

15. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

**Маданият ва спорт ишлари вазири**                      **М. Ходжиматов**  
2014 йил 6 март

**Ички ишлар вазири**    **А.Ахмедбаев**  
2014 йил 6 март

**Соғлиқни сақлаш вазири**                                      **А.Алимов**  
2014 йил 6 март

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

2014 йил 1 май

121-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли, 2012 йил 2 ноябрдаги 319-сонли, 2012 йил 17 декабрдаги 361-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруқларининг ижросини таъминлаш ва тизимда коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш мақсадида

#### Б У Ю Р А М А Н:

1. Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика махсус комиссияси раиси томонидан халқ таълими тизимида коррупция иллатларининг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимдаги мансабдор шахслар (раҳбарлар, раҳбар ўринбосарлари ва моддий жавобгар шахслар) билан профилактик суҳбат варақаси 1-иловага мувофиқ;

Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика махсус комиссиясининг ўринбосарлари ва аъзоларига ўз йўналишларига тегишли бўлган мансабдор шахслар билан ҳар чорақда коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактик суҳбатлар ўтказиб туриш ва амалга оширилган ишлар юзасидан Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Рес-

публика махсус комиссиясининг раисига ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссияларининг раислари, давлат педагогика институтлари ректорлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари ҳамда республика тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларига ўз ҳудудлари (муассаса ва ташкилотлари)да мазкур буйруқдан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича кейинги йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ва профилактик суҳбат варақаларини тасдиқлаб, у асосда профилактик суҳбатларни доимий ўтказиб боришни ташкил этиш ҳамда ҳар чорада амалга оширган ишлар юзасидан Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика махсус комиссиясига ахборот киритиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишга Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий халқ таълим бошқарув органлари махсус комиссияларининг раислари, давлат педагогика институтлари ректорлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари ҳамда республика тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари) шахсан жавобгардир.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш тегишли йўналишлар бўйича вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ҳамда вазир ўринбосарлари А.Холбеков, У.Абруев ва Э.Искандаровлар зиммасига юклансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини умумий назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирлигининг  
2014 йил 1 майдаги 121-сонли  
буйруғига 1-илова*

## **Халқ таълими тизимида коррупция иллатларини олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимдаги мансабдор шахслар билан**

### **Профилактик суҳбат варақаси**

Ўзбекистон Республикаси дунё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга қарши Конвенцияси”га қўшилган. Мазкур Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги тегишли Қонун 2008 йили 7 июлда қабул қилиниб, 2008 йилнинг 28 августидан Ўзбекистон Республикасида кучга кирди. 1997 йили қабул қилинган Миллий хавфсизлик Конвенциясида коррупция миллий хавфсизликка ички таҳдид сифатида таърифланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциянинг турли шаклларига қарши курашишга йўналтирилган меъёрлар белгиланган. Пора олиш ва бериш, порахўрликда иштирок этиш (ЖК 210, 211 ва 212-моддалари), ходимни пора билан ўз томонига оғдириш (ЖК 213-моддаси), шунингдек, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколатлари доирасидан чиқиш (ЖК 206-моддаси), мансабни суиистеъмол қилган ҳолда қалбакилаштиришга йўл қўйиш (ЖК 209-моддаси), бюджет интизомини бузиш (МЖК 175-моддаси) ва ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан озмиқдорда талон-тарож қилиш (МЖК 61-модда) ҳаракатлари коррупцияга оид ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш тартиб ва механизмини яратиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли, 2012 йил 2 ноябрдаги 319-сонли ҳамда 2012 йил 17 декабрдаги 361-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида коррупцияга

қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруқлари тасдиқланган.

Юқорида кўрсатилган қонун ва кодекслар асосида қабул қилинган вазирликнинг буйруқларида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган:

халқ таълими тизимидаги барча таълим муассасалари ва идораларнинг ишчи ходимлари ва фуқаролар учун шикоят қутилари, эълонлар тахтаси, ишонч телефони ташкил этиш;

бошқарув органи веб-сайтида фуқаролар мурожаатлари учун алоҳида бўлим ташкил этиш;

мурожаатларни рўйхатга олиш китобининг юритиш;

фуқаролар ва ходимларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

Халқ таълими тизимидаги барча таълим муассасалари ва идораларида ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича уларнинг раҳбарлари масъул этиб белгиланган.

Сухбат жараёнида юқорида таъкидланган кўрсатмаларга риоя қилмаслик ва уларни қўпол равишда бузиш ҳолатлари учраса ўрнатилган тартиб асосида мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий жавобгарлик кўриб чиқилиши ёки эгаллаб турган лавозимдан озод этилиши тўғрисида огоҳ бўлдим.

Мен \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ўтказилган суҳбатдан тўғри хулоса чиқардим ва юқорида таъкидланган кўрсатмаларга тўлиқ риоя қиламан. Акс ҳолда менга нисбатан меҳнат қонунчилиги доирасида қатъий интизомий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилишига, амалдаги ички тартиб қоидаларга ва Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 2 ноябрдаги 319-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими тизими ходимларининг этикаси ва хизмат ахлоқ меъёрлари”га амал қилмаслигим Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан эгаллаб турган лавозимимдан озод этилишга асос бўлиши ҳақида огоҳлантирилдим ва шунга розиман ҳеч қандай эътирозим йўқ.

(лавозими)

(Фамилия, исми, шарифи ва имзоси)

Огоҳлантирилдим ва нусхасини олдим \_\_\_\_\_имзо

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 й.

Суҳбат ўтказилган раҳбар ёки ходим:

(лавозими)

(Фамилия, исми, шарифи ва имзоси)

Халқ таълими вазирлигининг  
2014 йил 1 майдаги 121-сонли  
буйруғига 2-илова

**Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси**

№	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижрога масъуллар
1.	Халқ таълими вазирлиги тизимида мансабдор шахслар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактик сўхбатлар ўтказиш.	Вазирлик, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари, бевосита вазирликка бўйсунувчи ташкилот ва муассасалар мансабдор шахслари билан - Республика махсус комиссияси; Туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ мансабдор шахслари билан - ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссиялари; Тизимдаги ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари билан - Туман (шаҳар) махсус комиссиялари профилактик сўхбат ўтказиши.	15 кун муддатда	Республика махсус комиссияси; Ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссиялари; Туман (шаҳар) махсус комиссиялари.

2.	Мансабдор шахслар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактик суҳбатлар ўтказилганлиги бўйича ҳисоботлар тақдим этиш.	Туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ махсус комиссиялари профилактик суҳбат ўтказиш варақаларини альбом шаклига келтириб нусхаларини ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссияларига тақдим этади; ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссиялари альбом шаклига келтирилган профилактик суҳбат ўтказиш варақалари куриб чиқади, умумлашган жадвал ҳолатида Республика махсус комиссиясига тақдим этади; ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссияларидан қабул қилинган ҳисоботлар, вазирлик ва вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари билан ўтказилган профилактик суҳбат натижалари бўйича Республика махсус комиссиясига ҳисобот берилади.	суҳбат ўтказилгандан кейин 10 кун муддатда	Туман (шаҳар) махсус комиссиялари; ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссиялари; Республика махсус комиссияси раисининг ўринбосарлари	Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари махсус комиссиялари
3.	Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли, 2012 йил 2 ноябрдаги 319-сонли ҳамда 2012 йил 17 декабрдаги 361-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими	Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари махсус комиссиялари тегишли туман (шаҳар) махсус комиссиялари томонидан муассасаларда амалга оширилган ишларни жойида ўрганади. Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари махсус комиссиялари томонидан Республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этилади.	1 июлгача  10 июлгача		

<p>вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруқлари ижроси юзасидан куйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳисобот тақдим этиши:</p> <p>шикоят қутилари, эълонлар тахта-си, ишонч телефони ташкил этилмаганлиги;</p> <p>бошқарув органи веб-сайтида фуқаролар мурожаатлари учун алоҳида бўлим ташкил этилганлиги;</p> <p>мурожаатларни рўйхатга олиш китобининг юритилиши;</p> <p>фуқаролар ва ходимларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқилганлиги;</p> <p>мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига болаларни қабул қилишда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинганлиги;</p> <p>муассасаларнинг моливий-ҳўжалик фаолиятига доир ҳисоботлар йиғилишларда муҳокама этилганлиги; ходимларнинг этика ва хизмат ахлоқ меъёрларига амал қилиши;</p> <p>махсус комиссия фаолияти юзасидан ҳисоботларнинг белгиланган муддатларда тақдим этиб борилганлиги.</p>	<p>Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар махсус комиссиялари томонидан муассасаларда амалга оширилган ишларни жойида ўрганади.</p> <p>Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар махсус комиссиялари томонидан Республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этилади.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари махсус комиссиялари тегишли туман (шаҳар) махсус комиссиялари томонидан муассасаларда амалга оширилган ишларни жойида ўрганади.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари махсус комиссиялари томонидан Республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этилади.</p>	<p>1 октяргача</p> <p>10 октяргача</p>	<p>Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар махсус комиссиялари</p>
		<p>31 декабр-гача</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари махсус комиссиялари</p>
		<p>10 январ-гача</p>	

4.	Амалга оширилган ишлар натижаси бўйича кўрсатма ва тавсиялар бериш.	<p>Худудларда коррупцион жиноятчиликни бартараф этиш ҳамда келгусида унинг олдини олиш бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари тахлил қилинади, тахлиллар натижасига кўра, камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилади;</p> <p>коррупцион жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илғор тажрибага эга бўлган, ишларни самарали ташкил этган махсус комиссияларнинг фаолияти бошқа худудларга оммалаштирилади;</p> <p>кўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жазо чоралари қўлланилади.</p>	<p>Ҳар чоракда</p>	<p>Республика махсус комиссияси;</p> <p>Худудий халқ таълими бошқарув органлари махсус комиссиялари;</p> <p>Туман (шаҳар) махсус комиссиялари.</p>
----	---	---	--------------------	--

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

2014 йил 3 май

122-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
2014 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАГИ ПҚ-2170-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 30 апрелдаги “Республика олий таълим муассасаларига қабул тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2170-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда танлаган мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасалари бакалавриятига кирувчи абитуриентларнинг мустақил фикрлаш қobiliяти ва умумий дунёқарашини баҳолаш, тест синовларининг холислиги ва сифат даражасини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 30 апрелдаги “Республика олий таълим муассасаларига қабул тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2170-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига 2014-2015-ўқув йилига талабаларни қабул қилиш бўйича Давлат комиссия таркиби тасдиқланганлиги;

2014-2015 ўқув йили учун олий таълим муассасалари бакалавриятига қабул жараёнида “Математика” фани тест синовларига информатика ва ахборот технологияларидан машқ ва масалалар киритилгани;

танланган мутахассисликлар бўйича абитуриентларнинг билимларини баҳолашда касбий фанлар родини тубдан оширишга йўналтирилган олий таълим муассасаларининг кириш тест синовлари фанлар блоки рўйхати қайта кўриб чиқилганлиги ва тўлиқ янгиланлиги;

Олий таълим муассасалари бакалавриятига кирувчи абитуриентларнинг фанлардан ўтказиладиган тест сновлари савол ва топшириқларини шакллантирадиган эксперт гуруҳлари таркиби олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқитувчилари, юқори малакали мутахассислар ҳамда илмий ходимларни жалб қилиш ҳисобига қайта кўриб чиқилиб тўлиқ янгиланганлиги;

саккиз турдаги фанлар бўйича кириш тест сновларининг барча саволлари янгиланган экспертлар гуруҳи томонидан танқидий ўрганиб чиқилгани, янги тест саволларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида замон талабларига жавоб берадиган, Олий таълим муассасаларига қабул жараёнида ишлатиладиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов), вазирлик ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) жорий йилнинг 10 майгача “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари орқали олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига киритилган ўзгартириш, таълим йўналишлари бўйича тест ўтказиладиган фанлар рўйхати, информатика ва ахборот технологияларидан тест саволлари ва топшириқлари дастурини академик лицей ва касб-хунар коллежи битирувчилари эътиборига етказилишини таъминласин.

4. Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи (Б.Мирўктамов), таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов) Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июлдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомига ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклифлар киритсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

2014 йил 15 май

133-сонли

**Б У Й Р У Ғ И**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2013 ЙИЛ 8 НОЯБРДАГИ  
360-СОНЛИ БУЙРУҒИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “УМУМТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ  
БЎЙИЧА БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқувчиларнинг қобилият ва истеъдодларини бошланғич синфлардан бошлаб ривожлантириш мақсадида умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашуви ташкил этилмоқда.

Билимлар беллашувини ташкил этишнинг ижобий тажрибаси ҳамда кенг педагогик жамоатчиликнинг таклифлари асосида билимлар беллашувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 360-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тўғрисида”ги Низомнинг 11-банди 3-хат-бошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари учун назорат материаллари умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида ягона тартибда тайёрланади ҳамда энг юқори бални қўлга киритган бир нафар ўқувчи ғолиб деб топилади”.

2. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (Й.Асадов), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

бир ҳафта муддатда умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартиришларни ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларига етказиш;

билимлар беллашувининг республика босқичи учун назорат материалларини юқоридаги тартиб асосида тайёрланишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ректорларига:

билимлар беллашувининг республика босқичида иштирок этадиган ўқувчиларни, уларнинг ўқитувчиларини ҳамда Ҳакамлар ҳайъатига номзоди тавсия этилган мутахассисларни мазкур буйруқ ҳамда вазирликнинг 2014 йил 6 майдаги "Ўқувчиларнинг фанлар бўйича билимлар беллашувининг республика босқичини ҳамда "Ёзги интеллектуал – ривожлантириш оромгоҳи"ни ташкил этиш тўғрисида"ги 125-сонли буйруғи ва билимлар беллашувининг республика босқичини ўтказиш тартиби билан таништириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 28 январь

23-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**“ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!”  
РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ХЎДУДИЙ САРАЛАШ  
БОСҚИЧЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрелдаги “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1091-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистонни улуғлаш, унинг шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни ҳалқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги давлат педагогика институтлари, умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқувчилари, талабалари, ўқитувчи ва тарбиячилари ўртасида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг саралаш босқичлари 2015 йил 10-20 апрель кунлари барча таълим муассасаларида, 5-10 май кунлари туман (шаҳар) миқёсида, 10-15 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида ўтказилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, Республика таълим муассасалари раҳбарларига:

худудларда тадбирларни республика кўрик-танлови Низомига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва юқори савияда ўтка-

зишни таъминлаш мақсадида муассаса раҳбари бошчилигида Ишчи гуруҳлар тузиш;

таълим муассасаларининг ўқувчилари, талабалари, ўқитувчи ва тарбиячилари ўртасида кўшиқчилик санъатиغا иқтидори бор ўқувчиларни тўлиқ қамраб олиш чораларини кўриш;

2015 йилнинг 17 майига қадар кўрик-танловнинг республика босқичига тавсия этилган саралаш босқичи ғолиблари рўйхатини вазирликка тақдим этиш;

танлов бўлиб ўтадиган жойларда ички ишлар ва соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда иштирокчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ва вилоят саралаш босқичлари билан боғлиқ барча сарф-харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, таълим муассасалари ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

4. Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев)га:

танловнинг ҳудудларда юқори савияда ўтказилишини назорат қилиш;

ҳудудий босқич яқунлари бўйича вазирлик раҳбариятига маълумот киритиш вазифалари юклатилсин.

5. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) кўрик-танловнинг саралаш босқичлари билан боғлиқ маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Холбеков зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 16 февраль

38-сонли

### Б У Й Р У Қ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИДА 2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИНИ ЯКУНЛАШ,  
ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ, МАЛАКА ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ЯКУНИЙ  
ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ВА СИНФДАН СИНФГА  
КЎЧИРИШ БЎЙИЧА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ ИМТИХОНЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2014-2015 ўқув йилини яқунлаш, ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан синфга кўчириш бўйича bosқичли назорат имтихонларини ташкил этиш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Барча турдаги умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган давлат таълим (мактаб ва мактаб-интернатлар) муассасаларида 2014-2015 ўқув йили машғулотлари 25 майда тамомлансин.

2. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи (IX синф)ларининг билими, малака ва кўникмалари ёзма, оғзаки ёки тест синовлари шаклида якуний давлат аттестациясидан, IV-VIII синф ўқувчиларининг синфдан синфга кўчириш bosқичли назорат имтихонлари (кейинги ўринларда bosқичли назорат деб юритилади)дан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларининг билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш 2015 йил 26 майдан 15 июнгача амалга оширилсин.

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган синфларда ихтисослашган ўқув фанидан қўшимча имтиҳон топшириш учун имтиҳонлар муддатига 3 кунга узайтирилиши мумкинлиги ҳисобга олинсин.

4. Битирувчиларни якуний давлат аттестациясидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сонли ҳамда 2015 йил 5 январдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 2-мх-сонли буйруқлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 20 мартда 1778-рақам билан ҳамда 2015 йил 21 январда 1778-1-рақам билан рўйхатга олинган) асосида амалга оширилсин.

5. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Битирувчилар якуний давлат аттестацияси ва синфдан синфга кўчириш босқичли назорат имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилсин:

а) битирувчилар учун якуний давлат аттестацияси (IX)

Фан номи	Имтиҳон шакли	Имтиҳон ўтказиш санаси
Она тили ва адабиёти	ёзма (ижодий баён)	26 май
Математика	ёзма (теорема исботи билан)	29 май
Физика	оғзаки (лаборатория ишлари билан)	
Тарих	оғзаки ва харита билан ишлаш	
Кимё	ёзма	
Чет тили	оғзаки	
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини ёддан айтиш	
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий	4-8 май

б) IV - VIII синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари:

**IV синф**

1	Математика*	ёзма
2	Она тили	ёзма (диктант)
3	Жисмоний тарбия	назарий ва амалий

V sinf		
1	Математика*	ёзма
2	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини ёддан айтиш
3	Адабиёт	оғзаки
VI sinf		
1	Чет тили*	оғзаки
2	Тарих	оғзаки
3	Ботаника	оғзаки
VII sinf		
1	Она тили*	Ёзма (диктант)
2	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
3	Физика	оғзаки
4	Информатика	ёзма(замонавий компьютер синфи бор мактабларда амалий иш)
VIII sinf		
1	Чет тили*	оғзаки
2	Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси	оғзаки ва харита билан ишлаш
3	Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
4	Биология	оғзаки

**Изоҳ:** IV-VIII синф ўқувчилари учун босқичли назорат имтиҳонлари иккита ўқув фанидан ўтказилади.

\*мазкур ўқув фанидан ўтказиладиган имтиҳон мажбурий ҳисобланади;

қолган ўқув фанларидан бирини ўқувчилар имтиҳон ўтказишидан бир ой олдин танлайдилар. Бу ҳақда ҳар бир синф учун танланган ўқув фанидан босқичли назорат имтиҳонини ўтказиш ҳақида мактаб педагогика кенгаши қарор қабул қилади.

7.Битирувчилар учун 2015 йил 4-8 май кунлари “Жисмоний тарбия” фанидан, болалар соғлигига алоҳида эътибор берилиб, малакали тиббий ходимларни жалб этган ҳолда якуний давлат аттестацияси ўтказилсин.

8.Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар ёки синфларда мазкур буйруқнинг 6-бандида кўрсатилган фанлардан ташқари фан чуқур ўрганилаётган бўлса, ушбу фандан муассаса педагогик кенгашининг

қарори асосида қўшимча имтиҳон киритилишига рухсат берилсин.

Чуқур ўрганиладиган фанлар бўйича имтиҳон материаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика таълим марказининг тавсиялари асосида мактаб ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиб, мактаб директори томонидан тасдиқлансин.

9. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида босқичли назорат имтиҳонлари ҳамда битирувчилар учун якуний давлат аттестацияси умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилсин (жисмоний тарбия фани бундан мустасно).

10. Кар, заиф эшитувчи, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар битирувчилари учун фақат она тили ва адабиёти (баён), математика (ёзма) фанларидан якуний Давлат аттестацияси ўтказилсин.

Ақли заиф болалар учун (ёрдамчи) мактаблари (мактаб-интернатлари)да фақат меҳнат таълими бўйича битириш имтиҳонлари Республика таълим маркази томонидан берилган тавсия ва мезонлар асосида ўтказилсин ҳамда уларни ўтказиш муддати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгилансин.

11. Республика таълим маркази (И.Зокиров) таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз тилларида олиб бориладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим муассасалари учун якуний давлат аттестацияси ҳамда босқичли назорат имтиҳонлари материалларини тайёрлаб, 2015 йилнинг 1 апрелига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги таълим муассасаларига етказсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сонли ҳамда 2015 йил 5 январдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 2-мх-сонли буйруқларининг мазмун-моҳиятини умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик, ўқувчилар ҳамда ота-оналар жамоалари ўртасида атрофлича ўрганишни ташкил этиш;

имтиҳонларнинг ўз муддатларида ва Низом асосида ўтказилишини назоратга олиш;

Ўқувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги таҳлилий маълумотномани жорий йилнинг 1 июлига қадар Республика таълим марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

13. Республика таълим маркази (И. Зокиров) умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 2014-2015 ўқув йилини яқунлаш, битирувчилар якуний давлат аттестацияси натижаларининг умумлаштирилган таҳлилий маълумотномасини 2015 йил 1 августгача вазирлик раҳбариятига тақдим этсин.

14. "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририяти (А. Раҳимов)га 2015 йилнинг 20 февралига қадар мазкур буйруқни тегишли нашрларда чоп этиш вазифаси топширилсин.

15. "Халқ таълими" журнали таҳририяти (С. Махмудов) 2015 йил февраль оyi ахборотномасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги "Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 56-сонли ҳамда 2015 йил 5 январдаги "Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" ги 2-мҳ-сонли буйруқларини чоп этсин.

16. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2014 йил 8 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2013-2014 ўқув йилини яқунлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш, уларни синфдан синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш тўғрисида"ги 32-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 16 февралдаги  
38-сонли буйруғига  
илова*

## **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ҲАҚИДА НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш тартибини белгилайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) ўқувчилари, билим олиш усулидан қатъий назар, ҳар бир синфнинг дастурларини тўлиқ ўзлаштириб, белгиланган ўқув фанларидан босқичли назорат имтихонларини муваффақиятли топширганидан сўнг кейинги синфга кўчирилади.

2. Ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича босқичли назорат (ёзма ёки оғзаки имтихон ҳамда тест топшириқлари шаклида) IV-VIII синфларда ўқув фанларининг амалдаги ўқув дастури ва давлат таълим стандартлари асосида ўқув йилининг якунида ўтказилади. I-III синф ўқувчилари босқичли назоратсиз йиллик баҳолари асосида кейинги синфга кўчирилади.

3. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича босқичли назорат имтихонини топшириш шarti билан) ўқувчилар босқичли назоратга қўйиладилар.

4. Чет элларда вақтинча таълим олган IV-VIII синф ўқувчиларини босқичли назорат имтихонларга қўйиш масаласи таълим муассасаси томонидан қўриб чиқилади.

5. Шартнома асосида мактабларда таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар босқичли назоратга мазкур Низомнинг 3-банди асосида қўйиладилар.

## II. IV-VIII синфларда ўқувчиларнинг босқичли назоратини ўтказиш тартиби

6. Босқичли назоратни ўтказиш муддати ҳамда имтиҳон топшириладиган фанлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

Босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳамда 2015 йил 5 январдаги “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 2-мҳсонли буйруқлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 20 мартда 1778-рақам билан ҳамда 2015 йил 21 январда 1778-1-рақам билан рўйхатга олинган) асосида амалга оширилади.

7. Босқичли назорат имтиҳонлари мактаб директори тасдиқлаган имтиҳон жадвали асосида амалга оширилади.

8. Фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик мактаб имтиҳон комиссия раиси (мактаб директори, у бўлмаган пайтда унинг вазифасини бажарувчи шахс) зиммасида бўлади.

Имтиҳон топшираётган ҳар бир синф учун мактаб директорининг буйруғи билан ҳар бир фандан имтиҳон олувчи комиссия қуйидаги таркибда тайинланади:

ўқув фани бўйича имтиҳон комиссияси раиси - мактаб директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси (фан бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик комиссия раиси зиммасига юклатилади);

ушбу синфда мазкур фандан дарс берувчи - имтиҳон олувчи ўқитувчи (имтиҳон ўтказиладиган синфга дарс берувчи ўқитувчи шу фандан имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.);

ушбу фан ўқитувчисидан иборат - ассистент.

### III. Имтиҳон комиссияси раисининг вазифалари:

9. Имтиҳон комиссияси раисининг вазифалари:

Имтиҳон бошланишидан бир соат олдин имтиҳон материаллари (гуруҳлар рўйхати, имтиҳон билетлари, қуръа ўтказиш учун рақамлар, баённома, қоғоз, имтиҳондан озод этилиш ҳақидаги ҳужжатлар, синф журнали ва ҳ.к.)нинг мавжудлигини текширади; имтиҳон ўтадиган хонанинг тайёрлигини текширади;

имтиҳон бошланишидан 15 дақиқа олдин имтиҳон комиссияси аъзоларини рўйхатдан ўтказди, уларга имтиҳон ўтказиш тартибини, баҳо қўйиш мезонларини ва уларнинг ҳуқуқ-вазифаларини эслатади;

имтиҳон комиссияси аъзоларининг вазифаларини тақсимлайди, улар учун танаффус вақтларини белгилайди, имтиҳон жараёнида савол бериш учун уларга сўз беради;

имтиҳон баённомасининг тўғри юритилишини, баҳо (балл)ларни адолатли қўйилишини, имтиҳон тўғрисидаги йўриқноманинг ба-жарилишини назорат қилади; имтиҳоннинг барча материалларини имзолайди;

имтиҳон тугаб, баҳо (балл)лар муҳокамаси ўтганидан кейин уларни ўқувчиларга эълон қилади ва ўтказилган имтиҳоннинг барча материалларини мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарига топширади

10. Имтиҳон олувчи ўқитувчининг вазифалари:

Мактабга имтиҳон бошланишидан камида 30 дақиқа олдин келади, имтиҳон билетларини ва мактаб штампи қўйилган қоғозларни жойлаштиради, ёзма имтиҳон топшириқларини доскага ёзади;

ўқувчиларнинг давоматини текширади, келмаганлар бўлса навбатчи ўқитувчи орқали сабабини аниқлайди;

ўқувчиларнинг жавобларини тинглашда ва имтиҳон баҳо (балл)ларини қўйишда иштирок этади;

синф журналига имтиҳон ва якуний баҳо (балл)ларини имтиҳон баллари эълон қилинган куни ёзади;

имтиҳоннинг барча материалларини имзолайди.

11. Ассистентнинг вазифалари:

Мактабга имтиҳон бошланишидан камида 30 дақиқа олдин келади, имтиҳон билетларини ва қоғозларни жойлаштиради, ёзма имтиҳонда вазифани доскага ёзади; имтиҳон баённомасини тўлдиради;

имтиҳон жараёнида интизомга риоя қилинишини назорат қилади; ўқувчиларнинг жавобларини тинглашда ва имтиҳон баҳо (балл)ларини қўйишда иштирок этади;

#### **IV. Ўқувчиларни босқичли назорат имтиҳонларидан озод этиш**

12. Фанларни ижобий ўзлаштираётган ўқувчилар мактаб директорининг буйруғи билан босқичли назорат имтиҳонларидан қуйидаги ҳолатларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига асосланган ҳолда соғлиги бўйича;

халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларида ўқувчиларнинг иштироки бевосита босқичли назорат даврига тўғри келса, шу кунлардаги имтиҳонлардан;

имтиҳон топшириладиган фанни фақат аъло баҳоларга ўзлаштирган ҳамда намунали хулқга эга бўлган ўқувчилар мазкур фан бўйича имтиҳондан озод этиладилар.

Имтиҳонлардан озод этилган ўқувчиларнинг якуний баҳоси йиллик баҳоси асосида чиқарилади.

13. Ўқувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиги туфайли босқичли назорат имтиҳонларидан озод этилган тақдирда, мактаб директори ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволашниш муассасаси тиббий-назорат комиссиясининг тиббий хулосалари асосида, мактаб шифокори билан келишган ҳолда буйруқ қабул қилади.

14. IV-VIII синфда ўқувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (республикадан ташқарига кетиши) муносабати билан, шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзга келса) бундай ўқувчиларга босқичли назоратларни муддатидан илгари топширишига шу таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган фанлардан имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳонларни ўтказиш муддати мактаб директори томонидан тасдиқланади ва улар мактабда тузилган муваққат имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

15. Босқичли назорат имтиҳонлари даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан ўқувчилар таълим муассасаси директори буйруғига кўра қолдирилган имтиҳонларни, имтиҳонлар тугагандан сунг икки ҳафта ўтгач ёки такрорий имтиҳонлар даврида (август ойида) топширишлари мумкин.

## V. Ёзги топшириқлар ва такрорий имтиҳонлар

16. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари томонидан ўқувчиларга ўзлаштира олмаган фанлардан ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида фан ўқитувчиси томонидан тузилади

хамда муассасанинг мазкур ўқув фани метод бирлашмалари томонидан тасдиқланади.

17. Ёзги топшириқларни олган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида яқка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инobatга олинади ва ўқувчилар бу машғулотларда бепул қатнашадилар.

18. Ёзги топшириқлар олган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган такрорий имтиҳонлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин фан ўқитувчиси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

19. Такрорий имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан синфга кўчирилади.

## VI. Ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш тартиби

20. Босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар кейинги синфга кўчирилади.

Ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш мактаб педагогика кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

21. Умумий ўрта таълим фанларидан I-VIII синфларда ўқувчиларнинг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг чораклик, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3-5 кун олдин чиқарилади.

22. Биринчи синфда ўқувчилар фақат тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилиши мумкин. Бошқа ҳолларда биринчи синф ўқувчилари синфда қолдирилмайдилар.

23. II-VIII синфларда кейинги синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик ва якуний баҳоларга эга бўлган ўқувчилар ўтказилади.

Шу синфларда уч ва ундан ортиқ фанлардан қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан такроран ўқиш учун синфда қолдирилади. Битта ёки иккита фанни ўзлаштира олмаган ўқувчилар ўқув йили тугаганидан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки жорий йилнинг август ойида ушбу фанлардан ёзма ёки оғзаки имтиҳонларни топширади. Имтиҳонда ижобий баҳоланган ўқувчи педагогика кенгаши қарори билан синфдан синфга кўчирилади.

Ўқувчи имтиҳонда қониқарсиз баҳоланган тақдирда, мактаб педагогика кенгаши қарори билан такроран ўқиш учун синфда қолдирилади.

24. Ўқувчининг такроран ўқиши учун синфда қолдирилганлиги ёки ёзги ўқув топшириғи олганлиги ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори 3 кун муддатда таълим муассасаси томонидан ўқувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

25. Ўқувчининг мактабда ўқишни давом эттиришига саломатлиги туфайли монелик кўрсатувчи омиллар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлган тақдирда, ота-онасининг ва педагогика кенгашининг қарорига асосан, у ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси билан ўтказилади.

### **VII. Ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш ҳақидаги хужжатларни расмийлаштириш**

26. Йиллик баҳолари ижобий бўлган ҳамда босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчиларга баҳолар табели тўлдирилади ва синф раҳбари ҳамда мактаб директори томонидан имзоланиб, муҳр босилиб расмийлаштирилади.

27. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари “аъло”, ҳулқи “намунали” бўлган ўқувчилар мактабнинг “Мақтов ёрлиғи” билан тақдирланадилар.

### **VIII. Якуний давлат аттестацияси ва босқичли назорат имтиҳонларни ўтказувчи имтиҳон комиссияси аъзоларининг вазифалари**

#### **VIII. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 19 февраль

43-сонли

**Б У Й Р У Қ И****“КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИДА  
БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ватанимизнинг тинчлиги, тотувлиги ва барқарор муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакиллариغا муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, ўқувчилар ўртасида ҳар бир нуронийга чуқур ҳурмат, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуларини шакллантириш мақсадида 2015 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2302-сонли “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда қуйидагилар “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгиланган:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўyxатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъ-

минлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Юқоридаги устувор вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2302-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2302-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури 2-иловага, тармоқ дастурини амалга ошириш юзасидан ҳисобот шакли 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик ишчи гуруҳи (А.Холбеков)га:

бир ҳафта муддатда иловадаги тармоқ дастури асосида аниқ ижрочилари ва муддатлар кўрсатилган назорат режа ишлаб чиқиш;

ўн кун муддатда “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва Халқ таълими вазирлиги тармоқ дастурида белгиланган тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари, давлат педагогика ҳамда ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, ҳар бир умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасалари дастурларининг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини таъминлаш;

ҳар ой якуни бўйича “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури ижроси тўғрисида Республика комиссиясига ахборот киритиб бориш ҳамда амалга оширилган ишларни ҳар чорак якунлари бўйича вазирлик мажлисларида кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари, давлат педагогика ҳамда ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари биринчи раҳбарлари раислигида “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилсин ва Дастурда белгиланган тадбирларнинг сифатли, тўлиқ

ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари 10 кун муддатда тармоқ дастурида белгиланган тадбирларни ўтказиш учун маблағлар бўйича аниқ таклифларни Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига тақдим этсинлар.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Ш.Пардаев) вазирликнинг бошқарма ва бўлимларидан олинган таклифларни амалга оширишда 2015 йил Халқ таълими вазирлигига Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида вазирликнинг марказлашган тадбирлари сметасида назарда тутсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари, Давлат педагогика ҳамда ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасани ошириш институтилари раҳбарларига:

бир ҳафта муддатда Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифалар асосида тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ўн кун муддатда ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlари, тасарруфдаги таълим-тарбия муассасалари ҳамда ҳар бир умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасалари дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда қабул қилинишини таъминлаш;

“Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурида ҳамда вазирликнинг тармоқ дастурида назарда тутилган тегишли тадбирларнинг ҳудудда ва муассасаларда сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан муассаса раҳбарларига шахсий жавобгарликни юклаш;

“Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари ва чора-тадбирларини барча таълим муассасалари педагогик жамоалари ва ота-оналар иштирокида давра суҳбатлари, ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган тарбиявий соатларда тушунтириш ишларини ташкил этиш;

Давлат дастурига киритилган тегишли вазифаларнинг ва тармоқ дастурида белгиланган тадбирларнинг тўлиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши бўйича ташкилотлар даражасида аниқ, пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этиш, тизимли назорат ўрнатиш ва мониторингини олиб бориш вазифалари топширилсин.

8. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, давлат педагогика ҳамда ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари раҳбарлари вазирлик тармоқ дастурида белгиланган тегишли вазифаларнинг бажарилиши бўйича батафсил ҳисоботларни ушбу буйруқнинг 3-илоvasида келтирилган шакл асосида ҳар ойнинг 20-санасига қадар вазирлик ишчи гуруҳига [dastur@xtv.uz](mailto:dastur@xtv.uz) электрон манзили орқали тақдим этиб борилишини таъминласин.

9. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ва дастур доирасида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижросининг мунтазам ва тизимли равишда оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти орқали кенг ёритилишини таъминласин.

10. Ушбу буйруқни ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 19 февралдаги  
43-сонли буйруғига 1-илова*

**“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида кўрсатилган  
вазифалар ижросини таъминлаш бўйича  
Халқ таълими вазирлигининг ишчи гуруҳи таркиби**

1. У.И.Иноятов – Халқ таълими вазири, раис
2. Б.Х.Данияров – Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосари
3. А.Ж.Холбеков – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
4. У.О.Абруев – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
5. Э.Б.Искандаров – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
6. Ҳ.Даминов – Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, котиб

**АЪЗОЛАР:**

7. Ф.Аҳмедов – Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи
8. Й.Асадов – Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
9. Б.Шамсиев – Кадрлар бошқармаси бошлиғи
10. Ш.Пардаев – Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари
11. Қ.Бектурдиев – Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи
12. Н.Муротов – Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
13. Қ.Атамирзаев – Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи
14. И.Пўлатов – Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

15. С.Миразимов – Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи
16. А.Хундибаев –Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи
17. Б.Шайвалиев – Ахборот хизмати раҳбари
18. И.Зокиров – Республика таълим маркази директори
19. Ш.Эргашев – Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривож-лантириш маркази директори
20. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари

**Изоҳ:** ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига тайинланган ёки вазифа юклатилган шахс ишчи гуруҳ аъзоси ҳисобланади.

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 19 февралдаги 43-сонли  
буёруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сонли қарори билан  
тасдиқланган “Кексаларни эъзоллаш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан  
Халқ таълими вазирлигининг  
тармоқ дастури

ХТВ т/р	ДД т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	ХТВдан ижро учун масъул- лар	Тақдим этиладиган ҳужжатлар тури, амалга ошириш механиз- ми, кутилаётган натижа
<p>I. Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қўлай ташкिलий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қўнунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаш- тириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улўғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишининг энг қўлай тизимини шакллантириш</p>						
1.	2.	Ўзбекистон Республи- касининг “Кексалар, но- гиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2015 йил II чорақ	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия ва- зирлиги, Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таъ- лими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ман- фаатдор вазирликлар ва идо- ралар, жамоат ташкилотлари	У.Абруев, С.Миразимов, Ш.Пардаев	Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида куйидагилар назарда тутилади: кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишининг асосий принциплари ва механизмлари, шунингдек ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари;

1.	2.				<p>аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий хизматлар кўрсатиш турлари ва шакллари;</p> <p>аҳолига ижтимоий хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа масъул идора ва хизматларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари.</p>
<p><b>IV. Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол унинг-усабдан авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улғун инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нурунийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш</b></p>					
2.	37	Кексаларнинг уй-жой-машиной шароитларини яхшилашда уларга ёрдам бериш, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари ва ногиронларнинг тузилган кунларини тантанали нишонлаш учун республиканинг барча	Йил мобайнида	<p>“Қамолот” ЁИХ, “Маҳалла” фонди, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Нуруний” жамғармаси</p>	<p>Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари.</p> <p>Оила ва жамиятда улғун ёшдаги одамларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, ёш авлодда ота-оналарни ва ҳар бир кекса кишини чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш тўғрисида шакллантирилган;</p> <p>Уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилашда кекса кишиларнинг эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлаш ва қондириш.</p>

3	38	Туманлари ва шаҳарларида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг кучи билан "Нуронийлар эъозимизда" патронаж ёшлар харакатини ташкил этиш.	Йил мо-байнида	Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий Маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий- амалий маркази, Республика "Оила" илмий-амалий маркази	Б. Данияров, Ф.Ахмедов, И.Асадов, Х.Даминов, Ш.Гардаев, И.Зокиров	Бажарувчиларнинг қарори. Хар бир кекса кишига ва ота-оналарга мурувват курсатиш, уларни хурмат қилиш, эъозлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш туғғусини шакллантириш.
---	----	--	----------------	---	---	--

<p>Бажарувчиларнинг қарори. Хар бир кекса кишига ва ота-оналарга муруват кўрсатиш, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш туйғусини шакллантириш.</p>	<p>Х.Даминов, И.Зокиров, Ш.Пардаев</p>	<p>Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Еш авлодда ота-оналар ва хар бир кекса кишини чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғусини шакллантириш, оила ва жамиятда кексаларнинг ўрни ва обрўсини ошириш.</p>
<p>2015 йил март, июнь, сентябрь</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" фонди, "Қамолот" ЁИХ, "Нуруний" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>А.Холбеков, Х.Даминов, Ф.Аҳмедов, Ш.Пардаев, И.Зокиров</p>
<p>"Кексаларимизнинг бир кун", "Кексаларимиз ўғитлари", "Фарзанднинг ота-она олдидagi бурчи ва вазифалари", "Кексаларнинг иқтимоий муҳофазаси" мавзуларида буклетларни нашр этиш.</p>	<p>2015 йил II-III чоралар</p>	<p>40. Қўйдаги жамоат тadbирларини ташкил этиш: "Ораста қизлар давраси" худудий танловлари ғолиблари орасида "Кексаларни эъзозлаш - улўққадрият" шиори остида "Маҳалланинг энг орас-та қизлари" республика анжумани;</p>

<p>ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда таълим тизимининг ўрни мавзусида илмий-амалий конференция;</p>	<p>2015 йил август</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" фонди, "Қамолот" ЕИХ, "Нуроний" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>А.Холбеков, Х.Даминов, Ф.Аҳмедов, Ш.Пардаев, И.Зокиров</p>	<p>Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Ёш авлодда ота-оналар ва ҳар бир кекса кишини чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш туғрисида шакллантириш, оила ва жамиятда кексаларнинг ўрни ва обрўсини ошириш.</p>
	<p>2015 йил III чорак</p>			
<p>умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида "Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишланган "Энг яхши иншо"лар танловини ташкил этиш.</p>	<p>2015 йил I чорак</p>			

5.	<p>41. Ўзбекистонда яшайдган, ўзларининг фидкорона меҳнати ва муносиб хаёт йўли билан халқнинг хурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган 100 ёшдан ошган кексалар тўғрисида "Мингта ибратли хаёт йўли" тўпламини нашр этиш ва тўплам билан барча таълим муассасаларини бепул таъминлаш.</p> <p>Болалар ёзувчилари ва шоирларининг ота-оналарни хурмат қилиш ва кексаларни эъзозлаш мавзусидаги бадий асарларини, донишмандларнинг ўғитларини нашр этиш.</p>	<p>2015 йил III чорак</p>	<p>Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Махалла" фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги</p>	<p>А.Холбеков, Х.Даминов, И.Асадов, И.Зокиров, Ш.Пардаев</p>	<p>Бажарувчиларнинг қарори. 100 ёшдан ошган фидойи ва Ва-танга содиқ кекса кишиларнинг хаёт йўли ва тажрибасини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш.</p>
	<p>"Тасвирий ойна" уюшмаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Камолот" ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>2015 йил III чорак</p>			

	"Кексаларни эъзозлаб дуосини олайлик" методик қўлланмасини нашр этиш	2015 йил III чорак	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Махалла" фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Қамолот" ЁИХ, "Махалла" фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "Тасвирий ойна" уюшмаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Қамолот" ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	А.Холбеков, Ҳ.Даминов, И.Асадов, И.Сокиров, Ш.Пардаев	Бажарувчиларнинг қарори. 100 ёшдан ошган фидойи ва Ва- тапта содиқ кекса кишиларнинг ҳаёт йўли ва тажрибасини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш.
<p>V. Ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самардорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кутариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улур инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус курсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажимини кўлайитириш</p>					

6.	45. Ассан катта ёшдаги кишилардан иборат бўлган, шу жумладан, "Аму тўлиқини", (Қорақалпоғистон Республикаси), "Кўкон ёри" (Фарғона вилояти) ва "Бойсун" (Сурхондарё вилояти) фольклор- этнография ансамбллари ва бошқа ижодий жамоаларнинг фаолиятини, уларнинг гастроль-концерт сафарларини уюштириш, мусиқа асбоблари, жиҳозлар, сахна кийимлари харид қилишини ташкил этиш, репетиция ва тадбирлар учун хоналар билан таъминлаш йўли билан давлат томонидан қўллаб- қувватлаш ва оммалаштириш.	Йил мобайнида	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.	А.Холбеков, Қ.Атамираев, Ш.Пардаев	Бажарувчиларнинг қарорлари. Республика минтақаларида халқ фольклорини янада ривожлантириш, ижодий жамоаларни давлат томонидан уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш. Кексаларнинг ижодий алоҳиятини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.
7.	46. Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қўйидаги йўллар билан қўлай шарт-шароитлар яратиш:	Йил мобайнида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,	Э.Искандаров, А.Холбеков, И.Пўлатов, Қ.Атамираев, Ҳ.Даминов	Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси протоколи ва бажарувчилар қарорлари. Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш.

7.	<p>46. маҳалла гузарларида ҳамда аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида махсус тугараклар, шунингдек улар учун оммабоп фильмлар намойиш қилиш ҳамда мумтоз мусиқа асарларини тинглаш имкониятига эга бўлган кизиқишлар буйича мулоқот клублари ташкил этиш; ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун яқин атрофда жойлашган спорт иншоотлари, таълим муассасаларининг спорт заллари, оилавий поликлиникаларнинг даволаш- физкультурна кабинетлари негизда доимий ишлайдиган соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этиш, имконияти мавжуд бўлганда гузарларда ва маҳаллалардаги маиший хизмат кўрсатиш марказларида махсус спорт хоналарини жиҳозлаш.</p>	<p>Йил мобайнида</p>	<p>"Маҳалла" ва "Нуруний" жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги</p>	<p>Э.Искандаров, А.Холбеков, И.Гўллатов, Қ.Атамирзаев, Х.Даминов</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси протоколи ва бажарувчилар қарорлари. Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш.</p>
----	--	----------------------	---	--	--

8.	53.	<p>Кексалар учун "Электрон хукумат" ахборот тизимига уйғунлаштирилган "Nigolpu.Net" ихтисослаштирилган интернет-портални қўйидагиларни назарда тутган ҳолда яратиш-ушбу порталнинг тегишли бўлимларида кексалар учун мавжуд бўлган имтиёзлар, пенсия тўғрисидаги ва бошқа қонулар, янгилликлар, маслахатлар ва бошқа фойдали ахборотлар тўғрисидаги барча муҳим маълумотлар бериллади, ушбу ахборотлар кексалар учун ижтимоий тармоқни яратиш имконияти билан мунтазам равишда янгилаб бериллади. Ушбу порталга Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча ҳудудий бўлимлари, "Савоат" интернат-уйлари ҳамда кексалар учун санаторийлар, аҳолининг маданият ва дам олиш марказлари, ахборот-ресурс марказлари уланади.</p>	<p>Доимо</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Электрон хукумат" тизимини ривожлантириш маркази, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Нуроний" ва "Махалла" жамғармалари, Пенсия жамғармаси</p>	<p>Б.Данияров, А.Холбеков, А.Хундибаев, Ш.Эргашев, У.Тайлақов, Б.Шайвалиев</p>	<p>Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари. Кексаларни мавжуд ижтимоий имтиёзлар, пенсия тўғрисидаги ва бошқа қонулар, сўнги янгилликлар, бошқа фойдали ахборотлар тўғрисида хабардор қилиш. Кексаларнинг интерактив хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш.</p>
----	-----	---	--------------	---	--	--

9.	56.	Жад-вални тасдиқлаш 2015 йил I чорак	МТБК, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, ЎзА, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик жамағармаси, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари	А.Холбеков, Ш.Эргашев, У.Тайлақов, Б.Шайваллиев Б.Шайваллиев, Ш.Эргашев, У.Тайлақов	"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг мақсади, вазифалари, моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган катта қўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
		Амалга ошириш йил мобайнида	"Маънавият" нашриёти, Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура МТМ, Ўзбекистон матбот ва ахборот агентлиги, "Тасвирий ойна", Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, ЎзА, Ўзбекистон Бандий академияси		Оммавий ахборот воситаларида жамиятда кексаларни хурмат қилишни тарғиб этиш ва шакллантиришга йўналтирилган маҳсус рунглар ташкил этиш. Аҳоли ўртасида маънавий кадриятларни, камолга етаётган авлодда кексаларга хурмат ва эҳтиром туйғулларини тарбиялашни кенг тарғиб қилиш.
		2015 йил II чорак			
		Йил мобайнида			

Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 19 февралдаги  
43-сонли буйруғига 3-илова

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида  
ХИСОБОТ

(2015 йил \_\_\_\_\_ ой ҳолатига)

t/ r	хТВ тармоқ дастур-дати банд т/р	Чора-тадбирнинг номи	ХТВ томондан белгиланган ижро мuddати	Бахарилган ишлар ҳақида батафсил маълумот (аниқ фактлар билан)	Қилинган сарф-харажатлар					Режага нисбатан фоиз	
					Режа	Амалда	Шундан:				ХМИ ва грантлар
							Бюджет	Бажарувчилар	Хомийлик		
1.											
2.											
3.											

Изоҳ: 1. Вазирлик тармоқ дастурида кўрсатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун масъуллар дастурни амалга ошириш механизми ва мезонлари асосида Давлат дастурида кўрсатилган тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилади ва вазифанинг ижросини таъминлаш бўлимида белгиланган мuddатларда бахарлишини таъминлайди.

2. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, республика тасарруфидаги ташиқлотлар раҳбарлари кўшимча огоҳлантиришларсиз буйруқда белгиланган мuddатларда электрон вариантдаги маълумотларни [dastur@xtv.uz](mailto:dastur@xtv.uz) электрон манзилга тақдим этади.

3. Ҳар ойда тақдим қилинадиган маълумотлар бахарилган ишларнинг ўсиб бориши тарзида кўрсатиллади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 23 февраль

45-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ТАШКИЛОТ  
ВА МУАССАСАЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИЛМАСДАН, БЎШ ТУРГАН  
ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Иқтисодиёт тармоқларида давлат улушини иқтисодий асосланган миқдоргача қисқартириш ва шу асосда хусусий сектор улушини ошириш” асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Давлат мулк объектларини хусусийлаштириш Дастури” тайёрланган бўлиб, унга кўра Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жами 174 та объектлар, жумладан 9 та объектни оммавий савдолар орқали сотиш, 54 та объектни инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш мажбурияти билан “ноль” харид қийматида сотиш, 9 та объектни тугатиш ва 102 та объектларни бузиш белгиланган.

Фойдаланилмасдан, бўш турган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш тадбирларини белгиланган муддатларда ва сифатли бажариш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 февралдаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг фойдаланилмасдан, бўш турган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича 1-иловага мувофиқ таркибда Республика ишчи гуруҳи тузилсин, жойларда ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари биринчи раҳбарлари бошчилигида ушбу буйруқнинг 2-илосида келтирилган намунавий таркибда Ишчи гуруҳлар ташкил этилсин.

2. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг фойдаланилмасдан, бўш турган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари жойларда ташкил этилган Ишчи гуруҳлар томонидан мазкур буйруқ билан тасдиқланган Чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда мунтазам равишда Республика Ишчи гуруҳига ҳисобот бериб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу буйруқ билан тасдиқланган Чора-тадбирларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишида ҳудудий халқ таълими бошқарув органининг биринчи раҳбари шахсан масъул ҳисобланади.

4. Республика ишчи гуруҳига ҳудудий халқ таълими бошқарув органларида ташкил этилган Ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, улар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамасига ва Давлат рақобат қўмитасига ахборот бериб бориш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 23 февралдаги  
45-сонли буйруғига 1-илова*

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг фойдаланилмасдан бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича республика Ишчи гуруҳи таркиби**

№	Ф.И.О	Лавозими
1.	У .Иноятов	Вазир - гуруҳ раҳбари
2.	У.Абруев	Вазир ўринбосари-гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	Н.Муротов	Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи - аъзо
4.	Ф.Аҳмедов	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи - аъзо
5.	Ҳ.Даминов	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи - аъзо
6.	Қ.Бектурдиев	Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи - аъзо
7.	Ш.Пардаев	Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари - аъзо (масъул котиб)

Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 23 февралдаги  
45-сонли буйруғига 2-илова

\_\_\_\_\_ халқ таълими бошқармаси тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг фойдаланилмасдан бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳи таркиби

№	Ф.И.О	Лавозими
1.	Ф.И.О	Бошқарма бошлиғи – гуруҳ раҳбари
2.	Ф.И.О	Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари – аъзо
3.	Ф.И.О	Таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш ва мониторинг қилиш шўъбаси мудирлари – аъзо
4.	Ф.И.О	Биноларнинг техник ҳолати, таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва жиҳозланганлиги масалалари бўйича туман(шаҳар)лар мутахассиси – аъзо
5.	Ф.И.О	Бош ҳисобчи – аъзо (масъул котиб*)

*\*) Масъул котиб вазифаси ходимнинг иш самарадорлиги ёки унинг иш юклагасига қараб бошқа лавозимдаги ходимга юкланиши мумкин.*

НАМУНА

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 23 февралдаги  
45-сонли буйруғига 3-илова

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларни фойдаланилмасдан бўш турган  
объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш буйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъуллар
	<b>I. Оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган объектлар буйича:</b>		
1.	Объектларни кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномалари мавжудлиги буйича инвентаризация ўтказиш, мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини куриш;	15 кун муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари Худудий ер кадастри хизмати органлари билан биргаликда
2.	Объектларни савдога чиқарилишини назоратга олиш.	Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари
	<b>II. Инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш шартли билан “ноль” харид қийматида сотилиши белгиланган объектлар буйича:</b>		

3.	Объектларни кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномалари мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказиш, мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини кўриш;	15 кун муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари худудий Давлат рақобат бошқармалари билан биргаликда
4.	Объектларни савдога чиқарилишини назоратга олиш.	Дастур якунлангунга қадар мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари
<b>III. Тугатилиши белгиланган объектлар бўйича:</b>			
5.	Тугатилаётган корхоналар таъсисчилари билан биргаликда қисқа муддатда таъсисчилар умумий йиғилишида жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш бўйича қарор қабул қилинишини таъминлаш;	10 кун муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари
6.	Тугатиш комиссиялари ишини жиддий назоратга олиш ҳамда тугатиш комиссиялари ишини якунлагандан сўнг белгиланган тартибда жамиятни ягона давлат реестридан чиқарилишини таъминлаш.	Бир ой муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда
<b>IV. Бузилиши белгиланган объектлар бўйича:</b>			
7.	Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциялари билан биргаликда бузилиши белгиланган объектларда фойдаланишга яроқсизлиги туғрисидаги хулосанинг мавжудлигини ўрганиб чиқиш;	Бир ҳафта муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари худудий Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциялари билан биргаликда

8.	Фойдаланишга яроқсизлиги мавжуд бўлган объектларда Дастур тасдиқланишини кутмасдан ҳар бир бузиладиган объектга курилиш пудрат ташкилотларини бириктириб, бузиш ишларини бошлаш;	Бир ой муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари худудий ҳокимликлар билан биргаликда
9.	Бузишдан бўшайдиган ер майдонларини ҳокимликлар захирасига бериш.	Икки ой муддатда	
<b>V. Ташкилий масалалар бўйича:</b>			
10.	Тошприқларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, сотилиши белгиланган объектларга лойиҳа ташаббускорларини ва сармоядорларни жалб этишни таъминлаш;	Дастур яқунлангунга қадар мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари худудий Давлат рақобат бошқармалари билан биргаликда Республика Ишчи гуруҳи
11.	Ишончли чет эл сармоясини талаб қиладиган йирик объектлар ва корхоналарга инвестиция олиб кириш бўйича ишларни ташкил этиш;	Дастур яқунлангунга қадар мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари худудий Давлат рақобат бошқармалари ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Республика Ишчи гуруҳи
12.	Дастур ижроси бўйича тузилган ишчи гуруҳларнинг фаолияти бўйича уларнинг ҳисобларини мунтазам равишда эшитиб бориш, юзга келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш;	Дастур яқунлангунга қадар мунтазам равишда	Республика Ишчи гуруҳи
13.	Худудларда ташкил этилган Ишчи гуруҳлар ҳисоботларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат рақобат қўмитасига мунтазам маълумот бериб бориш.	Дастур яқунлангунга қадар мунтазам равишда	

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 24 феврал

47-сонли

**Б У Й Р У Ғ И****ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА МЕТОДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Вазирликнинг 2014 йил 19 декабрдаги “Халқ таълими тизими-методистлари, таълим муассасалари дефектологи ва ўқитувчи-логопедларининг такомиллаштирилган лавозим мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 346-сонли буйруғи, вазирликнинг 2015 йил 31 январдаги 1-сонли Ҳайъат йиғилиши қарориди белгиланган топшириқларга асосан тизимдаги методистлар фаолиятини ўрганиш уларнинг сифат таркибини яхшилаш ва салоҳиятини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатиш фаолиятини мазмунан такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга мўлжалланган ҳаракат режаси 1-иловага, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби 2-иловага, ҳудудларда методистлар фаолиятини диагностика қилиш ва ўқувлар ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (Й.Асадов)га:

ҳудудларда методик хизмат самарадорлигини ошириш бўйича ўқувларни ташкил этиш ҳамда методистлар фаолияти диагностикасини ўтказиш;

халқ таълими тизими методистлари фаолиятини диагностика натижаларини умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш;

таҳлиллар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига тегишли тавсиялар бериш;

ҳудудларда фаолият кўрсатаётган методистлар таркибини салоҳиятли мутахассислар билан тўлдириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

методистларнинг касбий ва педагогик салоҳияти ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлиги ошириб борилишини тизимли ташкил этиш;

алоҳида режа асосида методистлар учун фанлар кесимида видеосеминарлар ва мақсадли ўқувлар ташкил қилиш;

худудларда ўтказилган ўқувлар ва диагностика натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда раҳбариятга тақдим этиш вазифалари топширилсин.

3. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (И.Асадов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (Ш.Эргашев)га:

15 кун муддатда халқ таълими тизими методистлари фаолияти самарадорлиги диагностикасини ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш;

10 кун муддатда методистлар ўқувларини ўтказиш дастури ҳамда барча зарурий методик материалларни тайёрлаш;

1 ой муддатда халқ таълими тизимидаги методистлар таркибининг доимий таҳлилини амалга оширувчи автоматлаштирилган электрон дастурини яратиш вазифалари топширилсин.

4. Республика таълим маркази (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (М.Юлдашев), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига:

янги ўқув йилига қадар малака ошириш институтлари базасида “Методист мактаби” хоналарини ташкил этиш ҳамда зарур жиҳоз ва ахборот коммуникация технологиялари билан таъминлаш;

“Методист мактаби”ни ташкил этиш учун зарур методик материалларни ишлаб чиқиш ҳамда малака ошириш институтлари базасида ҳар ойнинг охириги шанба кунлари методистлар ўқувларини ташкил этиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳга маълумот тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига:

жорий йилнинг 10 мартига қадар ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир методист фаолиятини вазирликнинг 2014 йил 19 декабрдаги 346-сонли буйруғи билан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилиш;

жорий йилнинг март ойи давомида ҳудудлардаги барча малака ошириш институтларида методистларнинг ўқувларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларида фаолият юритаётган методистлар фаолиятини доимий диагностика қилиб бориш тартибини жорий этиш;

янги ишга қабул қилинадиган методистларни белгиланган малака талабларига мос равишда, меҳнат қонунчилигига мувофиқ дастлабки синов муддати асосида ишга қабул қилинишини йўлга қўйиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи гуруҳига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Хизмат сафари билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ўрнатилган тартибда ходимларнинг асосий иш жойларидан тўлансин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигига  
2015 йил 24 февралдаги  
47-сонли буйруғига 1-илова

**Халқ таълими муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини мазмунан такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга мўлжалланган  
ХАРАКАТ РЕЖАСИ**

Т.Р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижрога масъуллар
	<b>I. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган методистлар сифат таркибини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш</b>			
1.	Халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган методистлар ҳақидаги маълумотлар электрон банкни яратиш ва янгилаб бориш.	1.Методистлар ҳақидаги барча маълумотларни умумлаштирувчи жадваллар шаклини ишлаб чиқиш ва жойларга жўнатиш. 2.Жойлардан тулиқ шакллантирилган ва тасдиқланган жадваллар ҳамда маълумотларни олиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва методистлар банкни яратиш (педагогик стаж). Утаётган дарс соти, малака оширишга жалб этилганлиги). 3. Мутахассислиги ва уларга бириктирилган фанлар кесимида туркумлаш.	2015 йил март	УМУТЖРББ, РТМ
2.	Халқ таълими тизимидаги методистлар таркибини доимий таҳлилини амалга оширувчи автоматлаштирилган электрон дастурини яратиш ва амалиётга жорий этиш	1. Ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш. 2. Методистлар ҳақидаги батафсил маълумотлар базасини шакллантириш бўйича электрон дастур яратиш. 3.Методистлар ҳақидаги батафсил маълумотларни мажус парол ва логин асосида онлайн тартибда электрон дастурга киритиб бориш.	2015 йил март	УМУТЖРББ, МУДРМ, РТМ

3.	Халқ таълими тизими методистлари фаолияти самарадорлиги диагностикасини ўтказиш	1.Методистлар фаолиятини диагностика қилиш методикасини ишлаб чиқиш. 2.Методистлар фаолиятини ўрганиш бўйича вазирликнинг тегишли буйруғи билан ишчи гуруҳ таркибинини тасдиқлаш.	2015 йил март	УМУЎТЖРББ, РТМ, МУДРМ, ишчи гуруҳ
4.	Худудларда фаолият кўрсатаётган методистлар таркибини салоҳиятли мутахассислар билан тўлдириш.	1.Номуахассис методист кадрлар ўрнини тажрибали ва маҳоратли педагоглар билан тўлдириш чораларини кўриш. 2.Методистлар вақант иш ўринларига ўрнатилган тартибда танлов асосида ишга қабул қилишни жорий этиш ва амалга ошириш.	2015 йил сентябрга қадар, кейинчалик доимий	УМУЎТЖРББ, РТМ
5.	Халқ таълими тизими Методистлари салоҳиятини узлуксиз такомиллаштириб боришга қаратилган "Методист мактаби"ни ташкил этиб, фаолиятини йўлга қўйиш.	1. "Методист мактаби"ни жорий этиш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Методистларнинг касбий қийинчиликлари ва таълимий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, "Методист мактаби" ўқув дастурлари ҳамда материалларини ишлаб чиқиш. 3."Методист мактаби" доирасида фаолият олиб борадиган профессор-ўқитувчилар, маҳоратли тренерлар таркиби, машғулотлар ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш. 4."Методист мактаблари" ўқувларини белгиланган муддатларда ташкил этиш, ўқувлар якуни бўйича иштирокчилардан назорат синови ўтказиш. 5."Методист мактаби" доирасида узлуксиз методик хизмат тизими мутахассислари заҳирасини яратиш.	2015 йил март-2015 йил апрел	УМУЎТЖРББ, РТМ РТМ, Давлат педагогика институтлари,  Худудий халқ таълими бошқаруви идоралари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари
	II. <b>Методик хизмат ва методистлар фаолияти самарадорлигини ошириш</b>			

6.	"Методист" журнали ташкил этиш	1. Журнални ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи ва таъсисчилар таркибини шакллантириш; 2. Журнал фаолиятига тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; 3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш; 4. Ҳар ойда бир марта "Методист" журнали чоп этилишини ташкиллаштириш.	2015 йил март 2015 йил сентябрь 2016 йил январь	УМУТЖРББ, РТМ, Вазириликнинг ахборот хизмати, МУДРМ
7.	Методистларнинг касбий ва педагогик салоҳияти ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлигини ошириб боришни тизимли ташкил этиш.	1. Фанлар кесимида видео семинарлар ва мақсадли ўқувларни ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш. 2. Мақсадли ўқув курслар учун методистларнинг касбий ва педагогик маҳоратларини оширишга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ўқув йилининг таътил давларида методистлар учун қисқа муддатли мақсадли ўқувлар ташкил этиб бориш.	2015 йил март 2015 йил апрель	УМУТЖРББ, РТМ, МУДРМ, ПХҚТМОИ Режа асосида
<b>Методик хизмат моддий-техник базасини муостаҳкамлаш ҳамда уларни замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш</b>				
8.	Вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг моддий-техника базасини яхшилаш	1. ГПО лойиҳаси доирасида вилоят туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига методистлари самарали фаолият кўрсатиши учун компьютер ва видеопроектор ҳамда видеокамералар билан таъминлаш. 2. Компьютер техникаларини модерн, электрон почта ва интернетга улаш ва ишлашини таъминлаш.	2015-2017 йиллар	Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармаси
9	Халқ таълими тизими методистларини зарурий методик маҳсулотлар билан таъминлаш	1. Фанлар кесимида амалдаги даролиқлар ва ўқитувчи методик қўлланмалари, медиа ресурслардан буюртма асосида етказиб бериш. 2. Методлаштириш, методик кенгаш ишлари ва методистлик фаолиятини самарали ташкил этиш учун методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда етказиб бериш чораларини кўриш.	Доимий 2015 йил август	УМУТЖРББ, РТМ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари

10.	<p>Худудларда масофавий методик хизмат курсатиш ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни яхшилаш</p>	<p>1. Худудий малака ошириш институтлари негизда турли шаклдаги масофавий методик хизмат (видео семинар, масофадан дарс машгулотларини кузатиш, бошқа худудлар билан телеконференция ўтказиш ва х.к) курсатиш учун махсус замонавий воситалар жихозланган хона ташкил этиш. 2. Методистлар иш жойларида Интернетнинг етарли тезлик ва узлуксиз равишда ишлашини таъминлаш</p>	2015 йил давомида	<p>УМУТЖРББ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, ХТХҚТМОИ</p>
-----	---	---	-------------------	--

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 24 февралдаги  
47-сонли буйруғига 2-илова

**Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш  
фаолиятини мазмунан такомиллаштириб  
бориш бўйича  
Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби**

1.	Й. Асадов	Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жа- раёнини бош бошқармаси бошлиғи, ривож- лантириш гуруҳ раҳбари
2.	И.Зокиров	Республика таълим маркази директори, аъзо
3.	М. Вахобов	Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогика технологияларни жо- рий этиш бўлими бошлиғи, аъзо
4.	Ф.Бобоев	Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, аъзо
5.	Ж.Камолов	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, аъзо
6.	Т. Султонов	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил бошбошқармаси бош назоратчи, аъзо
7.	С. Миразимов	Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, аъзо
8.	К.Иноқов	Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жа- раёнини ривожлантириш бош бошқармаси етакчи назоратчиси, масъул котиб
9.	М. Юлдашев	А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори, аъзо
10.	Лавозими бўйича	Қорақалпоғистон Республикаси халқ таъ- лими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бопшиқлари, аъзо

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил февралдаги  
47-сонли буйруғига 3-илова

**Худудларда методистлар фаолиятини диагностика қилиш ва ўқувлар ўтказиш бўйича  
ишчи гуруҳ таркиби**

Т/р	Худудлар	Ўтказиш муддати	Ф.И.Ш.	Масъуллар	
				Иш жойи, лавозими	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	10-14 март	М.Пардаева Р.Алламурастов	Республика таълим маркази директорининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ДТСМ кичик гуруҳи раҳбари	
	Хоразм вилояти	16-19 март			
2.	Андижон вилояти	10-14 март	Н.Турдиев М.Расулова	Республика таълим маркази бош методисти, Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини институту бўлим бошлиғи	
	Наманган вилояти	16-19 март			
3.	Бухоро вилояти	10-14 март	К.Усмонова, Ҳ.Ражабзода	Республика таълим маркази бош методисти, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари	
	Навой вилояти	16-19 март			
4.	Жиззах вилояти	10-14 март	А.Асқаров, Н.Остонов	Нижёзий номидаги ЎзПФИТИ доктаранти, Бухоро вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти кафедра муди- ри	
	Сирдарё вилояти	10-14 март			

5.	Самарканд вилояти	16-19 март	Ш.Пўлатов, И.Сапарбоев	Тошкент ШПКҚТМОИ проректори, Республика таълим маркази бош методисти
	Қашқадарё вилояти	10-14 март	Н.Юлдашева, З.Убайдуллаев	Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори, Қўнрай туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари
6.	Сурхондарё вилояти	16-19 март		
	Фарғона вилояти	10-14 март	О. Мусурмонова, Г.Боймуратова	Республика таълим маркази бош методисти, Тошкент вилояти ПҚҚТМОИ катта ўқитувчиси, пед.ф.н.
8.	Тошкент вилояти	10-14 март	И.Асадов, М. Вахобов, Т.Вакилов, И.Маннапова	ХТВ бош бошқарма бошлиғи ХТВ бўлими бошлиғи ХТВ бош назоратчи
	Тошкент шаҳри	16-19 март		Республика таълим маркази бош методисти

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 4 март

55-сонли

**Б У Й Р У Ф И****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ  
2015 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛДАГИ 15-СОНЛИ ЙИГИЛИШ БАЁНИ  
ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон қарори билан тасдиқланган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 66-банди ижросини таъминлаш, мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш, муассасаларнинг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, мактабгача таълим сифатини ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2015 йил 20 февралдаги 15-сонли йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2015 йил 20 февралдаги 15-сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг “2015-2020 йилларда мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси” 1-иловага, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган таклифларга асосан 2015 йилда мукамал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган мактабгача таълим муассасаларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

2015 йилнинг 20 апрелига қадар ҳудудий “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари билан ҳамкорликда буйруқнинг 2-иловаси билан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган мактабгача таълим муассасалари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлаш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказилишини ва пудрат танловларини яқунлаб, пудратчилар билан шартномалар имзолаш ишларини тез фурсатда тугаллаш;

ҳокимликлар томонидан мукаммал таъмирлаш назарда тутилган мактабгача таълим муассасаларининг коммуникация (сув, электр, газ таъминоти) тармоғини яхшилаш, муассаса ҳудудини ўраш ва ободонлаштириш, шу жумладан ўйин майдончалари ташкил этилишини қатъий назоратга олиш;

2015 йилнинг 20 августига қадар ҳар бир мактабгача таълим муассасасининг ҳақиқий жиҳозланганлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги меъёрлар асосида зарурий жиҳозлар билан таъминлаш;

мактабгача таълим муассасаларида мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етказилганидан сўнг, уларни тегишли мутасадди ташкилотлар масъул ходимларини жалб этган ҳолда комиссия тузиб, тегишли далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда қабул қилиб олиншини таъминлаш;

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари биноларининг техник ва жиҳозланганлик ҳолатини мунтазам равишда ўрганиб борилишини ташкил этиш;

ҳар йили 1 июлга қадар келгуси йилда мукаммал таъмирланиши ва жиҳозланиши зарур бўлган муассасалар рўйхатини тузиш;

ҳар йили 1 августга қадар мукаммал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган мактабгача таълим муассасаларининг дастлабки манзилли рўйхатларини шакллантириш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотни ҳар чорак охири ойининг 25 санасигача вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси ва Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов) ва Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Н.Муротов)га:

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 февралдаги йиғилиш баёни топшириқларининг белгиланган муддатларда ижроси таъминланганлигини назоратга олиш;

ҳар чорак якунида ҳудудларда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ҳамда вазир ўринбосари У.Абруев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 4 мартдаги 55-сон  
буйруғига 1-илова

**2015-2020 йилларда мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	
			худудлардан масъуллар	вазирликдан масъуллар
<b>I. Мактабгача таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</b>				
1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон қарори билан тасдиқланган Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низомда кўрсатилган касалликлар турлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш. Касалликнинг энгил турлари билан чалинган болаларни умумий тилдаги мактабгача таълим муассасаларига ўтказиш.	2015 йил 1 октябрга қадар	–	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова.
2	Ихтисослаштирилган (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари мавжуд бўлган болалар учун) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун таълим-тарбия дастурини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2015 йил 1 ноябрь	–	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова, М.Аъзамова.
3	Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўртacha суткалик истеъмол қилиш меъёрларига тегишли ўзгаришлар киритиш. Бунда: сариёғ, сут, ёрма, гўшт ва қишлоқ ҳўжалик	2015 йил III-IV чорак	–	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова.

3	<p>махсулотларнинг миқдорларини; махсулотларни таом тайёрлаш жараёнида ўзаро алмаштирилишини, тарбияланувчиларнинг ёшларини инobatта олган ҳолда мавсумий намунавий таомномалар ишлаб чиқишни назарда тутиш.</p>	2015 йил III-IV чорақ		тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда
<b>II. Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш</b>				
4	<p>Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган мактабгача таълим муассасалари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва пудрат танловларини якунлаб, пудратчилар билан шартномалар имзолаш.</p>	2015 йил 20 апрел	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>
5	<p>Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлар маблағларини жалб этган ҳолда мукамал таъмирлаш назарда тутилган мактабгача таълим муассасаларининг назарда тутилган мактабгача таълим муассасаларининг коммуникация (сув, электр, газ таъминоти) тармоғини яқшириш, муассаса худудини ўраш ва ободонлаштириш, шу жумладан ўйин майдончаларини ташкил этилишини назорат қилиш.</p>	2015 йил 20 август	<p>Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>
6	<p>Мактабгача таълим муассасаларидаги мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини тулик якунига етказиш бўйича барча зарур чораларни кўриш.</p>	2015 йил 20 август	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошқармалари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>

7	<p>Буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари баҳарлилиши, жумладан тасдиқланган лойиҳа-сметаларга ҳамда амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ объектларда бажариладиган таъмирлаш ишлари сифатига қўйиладиган талабларга қатъий риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш.</p>	<p>Доммий</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>
8	<p>Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълими муассасалари бинолари техник ҳолати ва жиҳозланганлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳамда келгуси йилда мукамал таъмирланиши ва жиҳозланиши керак бўлган муассасаларнинг рўйхатини аниқлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига киритиш.</p>	<p>ҳар йили 1 июлгача</p>	<p>Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>
9	<p>Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан киритилган рўйхатлар асосида ҳар йилги дастлабки манзилли рўйхатларни шакллантириши ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритиш. Бунда, Ишчи гуруҳи тузган ҳолда рўйхат шакллантирилишида ҳар бир мактабгача таълим муассасаси биноларининг амалдаги техник ҳолатини ва уларнинг моддий-техника жиҳатидан таъминланганлигини, шунингдек, уйин майдончалари ва бошқа инфратузилма объектлари ташкил этилишини ҳамда уларнинг тегишли мебел ва анжомлар, ошхона ва кир ювиш хоналарининг жиҳозланишини ҳисобга олиш.</p>	<p>ҳар йили 1 августгача</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари</p>	<p>У.Абруев, Н.Муротов.</p>

10	<p>Худудлардаги фаолияти тугатилган мактабгача таълим муассасаларининг хусусийлаштирилган бино ва иншоотларини мақсадли ишлатилиш ҳолатини ўрганиш.</p> <p>Бунда хусусийлаштирилган бино ва иншоотлардан мақсадли фойдаланмаслик, яъни уларда хусусийлаштириш жараёнида белгиланган шартлар бўйича фаолият олиб борилмасдан мақсадсиз фойдаланилаётган бино ва иншоотларни ўрнатилган тартибда қайтариб олиш ва янгидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича вазирликка тақлиф киритиш.</p>	2015 йил 1 октябрга қадар	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари</p>	У.Абдуев, Н.Муротов.
<b>III. Мактабгача таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш</b>				
11	<p>Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида муқобил таълим-тарбия дастурларини яратиш, бунда ривожланган чет эл мамлакатлари ва мамлакатимиздаги илғор ҳаётий тажрибаларга асосланиш.</p>	2015-2016 йиллар	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлар, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, мудирлари, таълим муассасаси раҳбарлари,</p>	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова, М.Аъзамова.

12	<p>5-6 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан кам-ровини ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларининг мавжуд бўш хоналарида қисқа муддатли гуруҳларни босқичма-босқич ташкил этиш. 2015 йил II чорагидан ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти ҳамкорлигида махсус тайёрланган мактабгача таълим муассасаларида 1220 та қисқа муддатли гуруҳларнинг фаолиятини бошлаш.</p>	2015 йилдан бошлаб доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими	Б.Данияров, У.Абруев, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова, Ш.Пардаев.
13	<p>Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш бўйича 5-6 ёшли болалар учун қисқа муддатли гуруҳлар учун "Билимдон" дастурини ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш.</p>	2015 йил II чорак	—	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова, М.Аъзамова, М.Мирхайдаров.
14	<p>Мактабгача таълим муассасаларига камраб олинмаган 5-6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича оналар учун чоп этилган 5 номдаги қўлланма (китоб) ларни амалиётда қўллаш юзасидан мунтазам ўқув семинарлар ташкил этиш.</p>	2015 йилдан бошлаб доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлар, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари	Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалилова, М.Аъзамова, И.Зокиров.

15	<p>Нодавлат мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишининг мониторингини олиб бориш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлар, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирилари</p>	<p>Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалипова, М.Аъзамова.</p>
<p><b>IV. Мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b></p>				
16	<p>Мактабгача таълим тизими ходимларининг қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини доимий таҳлил қилиш асосида ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>–</p>	<p>Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалипова, М.Аъзамова.</p>
17	<p>Мавхуд имкониятлардан, шу жумладан, таълимга қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар грантларидан самарали фойдаланган ҳолда мактабгача таълим тизими ходимларини хорижий мамлакатлардаги соҳа бўйича етакчи таълим марказларида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>–</p>	<p>Б.Данияров, Ф.Ахмедов, С.Мирджалипова, М.Аъзамова.</p>

Вазирликнинг 2015 йил 4 мартдаги  
55-сон буйруғига 2-илова

**2015 йилда мукаммал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган  
мактабгача таълим муассасаларининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

т/р	т/р	Худудлар ва муассасалар манзили	Сони	Қуввати
А	Б	1	2	3
	273	<b>РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ</b>	273	46 510
	16	<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	16	2 270
1	1	Нукус шаҳри 41-сонли МТМ	1	140
2	2	Нукус тумани 3-сонли МТМ	1	140
3	3	Амударё тумани 43-сонли МТМ	1	140
4	4	Амударё тумани 18-сонли МТМ	1	110
5	5	Беруний тумани 13-сонли МТМ	1	140
6	6	Қонликўл тумани 1 -сон МТМ	1	140
7	7	Қораўзак тумани 1 -сонли МТМ	1	140
8	8	Қўнғирот тумани 20-сонли МТМ	1	280
9	9	Хўжайли тумани 26-сонли МТМ	1	140
10	10	Тўрткўл тумани 2-сонли МТМ	1	110
11	11	Тахтакўпир тумани 3-сонли МТМ	1	140
12	12	Чимбой тумани 2-сонли МТМ	1	140
13	13	Мўйноқ тумани 3-сонли МТМ	1	90
14	14	Элликқалъа тумани 1-сонли МТМ	1	140
15	15	Кегейли туманида 7-сонли МТМ	1	140
16	16	Шуманай тумани 1-сонли МТМ	1	140
	23	<b>Андижон вилояти</b>	23	3 455
17	1	Андижон шаҳри 5-сонли МТМ	1	280
18	2	Андижон шаҳри 18-сонли МТМ	1	280
19	3	Андижон шаҳри 25-сонли МТМ	1	220
20	4	Хонобод шаҳри 4-сонли МТМ	1	115
21	5	Андижон тумани 7-сонли МТМ	1	120
22	6	Андижон тумани 31-сонли МТМ	1	90
23	7	Асака тумани 39-сонли МТМ	1	280
24	8	Асака тумани 3-сонли МТМ	1	140

25	9	Балиқчи тумани 2-сонли МТМ	1	140
26	10	Булоқбоши тумани 5-сонли МТМ	1	140
27	11	Бўз тумани 6-сонли МТМ	1	140
28	12	Жалақудуқ тумани 1-сонли МТМ	1	180
29	13	Избоскан тумани 17-сонли МТМ	1	90
30	14	Избоскан тумани 30-сонли МТМ	1	90
31	15	Марҳамат тумани 5-сонли МТМ	1	140
32	16	Олтинқул тумани 15-сонли МТМ	1	90
33	17	Пахтаобод тумани 27-сонли МТМ	1	280
34	18	Улуғнор тумани 1-сонли МТМ	1	90
35	19	Улуғнор тумани 12-сонли МТМ	1	90
	20	Қўрғонтепа тумани 15-сонли МТМ	1	90
37	21	Шахрихон тумани 12-сонли МТМ	1	140
